

**XALQ DEPUTATLARI  
ELLIKQAL'A TUMANI  
KENGASHI  
QARORI**



**XALÍQ DEPUTATLARÍ  
ELLIKQALA RAYONLÍQ  
KEÑESINIŇ  
SHESHIMI**

2021 - yil 16 - dekabr

VI-33-70-13-194-K/21

Ellikqal'a tuman hokimligi

**Элликқалъа тумани ҳокимининг 2021-йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2022-йилги режалари тўғрисида мурожаатини тинглаб, муҳокама қилиб ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгаши**

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Элликқалъа тумани ҳокимининг 2021-йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2022-йилги режалари тўғрисида мурожаати маълумот учун қабул қилинсин (илова қилинади).

2. Туман сектор раҳбарлари (С.Авезов, Ш.Матякубов, У.Ситмуратов, Н.Абаев), туман ҳокимининг соҳалар бўйича барча ўринбосарлари (Б.К.Алимов, А.Қурбанбаев, Б.Алимов, И.Юнусов, А.Камалов ва А.Сеитовларга):

туманни 2022-йили ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш самарадорлигини янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиққан ҳолда тасдиқлашга киритиш;

тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган лойиҳалар асосида келгуси йил ишланадиган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари саҳифаларида чиқишлар орқали туман аҳолисини кенг тарзда хабардор қилиш ишларини ташкил этиш;

туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрганларга туман ҳудудида бўш турган бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ер майдонларини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш

мақсадида ажратиб бериш амалиётини кенг қўлланиш;

тумандаги овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли мурожаатларида улар билан ўтказилган учрашувларда уларни безовта қилаётган масалалар ечимини топган ҳолда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича секторлар ва маҳаллалар кесимида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш вазифалари юклансин.

3. Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари А.С.Курбанбаев, туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Э.Таджиев, туман Электр тармоқлари корхонаси бошлиғи К.Рахмонов туман сув таъминоти корхонаси бошлиғи И.Раджапов ва “Элликқалъа тумангаз” таъминоти бўлими бошлиғи К.Халбаевлар туман аҳолисини 2021-2022-йиллардаги куз-қиш мавсумида узлуксиз электр энергияси, ичимлик суви ва табиий газ суюлтирилган газ билан таъминлаб бориш вазифаси юклансин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари-инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (А.Камалов) туманнинг мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларини жадаллаштириш;

туманда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларга тадбиркорлар лойиҳаларини жойлаштириш бўйича ишларни фаоллаштирган ҳолда амалга ошириш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Б.К.Алимов, А.Қурбанбаев, А.Сеитов), Тижорат банклари, Давлат солиқ инспекцияси (Н.Абаев), Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (М.Рустамов) ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда:

туманнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган ўсиш нуқталарига эришиш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори, ижтимоий ҳимояга ажратилган маблағлар, аҳолининг реал даромадларини ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг йил якунига қадар тўлиқ ижросини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларининг янгидан ташкил этилиши орқали саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш кўламини ошириш борилишига эришиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш, экспорт режаларининг бажарилишини таъминлаш, тижорат банклари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга имтиёзли кредит маблағларининг ажратилишини таъминлаш;

6. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Б.К.Алимов, Б.С.Алимов, А.Сетиов),

Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши билан биргаликда кам-таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзоларини шунингдек, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз фуқароларни доимий иш жойлари билан банд қилиш орқали уларнинг доимий даромад манбаини яратиш;

ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислигини ошириш курсларини ташкил этиш орқали ишсиз фуқароларни тадбиркорликга ўргатиш бўйича ишларни ташкил қилсин.

7. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари (И.Юнусов) Қишлоқ хўжалиги бўлими (А.Сейтимбетов), Ирригация бўлими (З.Тангирбергенов) лар билан биргаликда:

- мева-сабзавот ва кунжут кластерларини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш ишларини ташкил этиш;

- аҳолига ўз хонадонларида интенсив усулда балиқ етказиб берувчи балиқчилик кластерлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш;

- аҳолига сув чиқариш учун қудуқ бурғулаш ва ишга тушириш ишларини ташкил этиш чораларини кўриш;

- қабул этилган Дастур доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини таъминлаш, юзага келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳар ойда жойига чиққан ҳолда ишларни ташкил этишиш тизимини яратиш вазифаси юклансин.

8. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (Б.С.Алимов):

туман Мактабгача таълим бўлими (Ж.Балтаев) билан туман ҳудудида мактабгача таълим ташкилотларида 3-7 ёшдаги болаларни қамраб олиш даражасини ошириш, хусусан 6 ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш гуруҳларига тортиш ишларини ташкил этсин.

халқ таълими бўлими (А.Нурумбетов) билан туман ҳудудидаги умумтаълим мактабларида ўқувчиларга билим бериш даражасини ошириш, педагог кадрларнинг мутахассислигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

тиббиёт бирлашмаси (Х.Атаниязов) билан аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт бирлашмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни тажрибали шифокорлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

туризм ва спорт бўлими (А.Абдуллаев) туман аҳолисининг спорт билан шуғулланиш даражасини ошириш, ҳудудлардаги спорт объектларининг сақланишини таъминлаш хусусан, бу объектларда ёшларнинг спорт билан шуғулланиш имкониятларини яратсин.

маданият бўлими (У.Сейтимбетов) ёшларнинг музика ва санъат соҳасига бўлган қизиқишларини аниқлаш ва ёшларга бу соҳада кенг имкониятлар яратиш чора-тадбирларини белгиласин.

9. Халқ депутатлари Эллиққалъа тумани Кенгашининг доимий комиссиялари ўз мажлисларида туманни комплекс ривожлантириш бўйича вазифалар ижроси юзасидан мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ахборотларини мунтазам равишда эшитиб боришни амалга оширсинлар.

10. Ушбу қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Эллиққалъа туман Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

11. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Т.Нуримовага мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш вазифаси юклансин.

12. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Kengash raisi**



**Avezov S. S.**